2017 йил 3 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (13.357)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, НАФАҚА ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўз вақтида тўланмаётгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган ҳолда тўловлар пластик карточкаларга асоссиз равишда ўтказилаётгани тўғрисида кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганига қаратилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади;

иловада келтирилган тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади;

олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти пенсиялар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган доимий суиистеъмолликларни сўзсиз бартараф этишга доир чораларни кўрсин, тўловларнинг биринчи талабга биноан хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини нақд шаклда ва пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашни танқидий қайта кўриб чиқсин ва бу борада мақбул нисбатларни белгиласин. Қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарорининг 3- ва 4-бандларида кўзда тутилган нақд пул маблағлари ўз вақтида берилишини таъминламаётган тижорат банклари раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича нормалар амалда қандай қўлланилаётганини ўргансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмага чиқиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тижорат банклари кассаларига ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

7. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва узлуксиз тўланишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов ва Марказий банк раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 2 февраль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, НАФАҚА ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, улар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга доир қатъий чоралар белгиланган.

Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатлар таҳлили иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўламаслик, тўловларни пластик карточкаларга нақдсиз шаклда асоссиз равишда ўтказиш ҳолатлари кўпайгани ҳамда тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаганини кўрсатмоқда.

2016 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ишга тушганидан буён 7 мингдан ортиқ шундай мазмундаги мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу салбий ҳолатларга barҳам бериш мақсадида қарорда 2017 йил февраль ойидан бошлаб:

биринчидан, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

иккинчидан, 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

учинчидан, олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси ва почта хизмати ташкилотларига пенсияларнинг узлуксиз, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминлашга доир қатъий топшириқ берилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда шаклланган иш ҳақини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашдаги нисбатлар танқидий қайта кўриб чиқилади. Бу жараёнда одамлар ўз иш ҳақидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид қилишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси ҳисобга олинади.

Марказий банк тижорат банкларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган қоидабузарликлар ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этишга доир ишларини ташкил этиши лозим. Биринчи талабга биноан пул маблағлари хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминлаши зарур.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олинади. Шунингдек, Бош прокуратура тижорат банклари мансабдор шахсларининг белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг амалда қўлланилишини ўрганади.

Шу билан бир қаторда, қарорда тижорат банкларини иш ҳақи, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш учун керакли нақд пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида пул маблағларининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тўлиқ ва ўз вақтида тижорат банклари кассаларига топширилишини таъминлашга қаратилган ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келадиган тизимли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз қарори ижросини таъминлаш иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш ва фуқароларнинг ўз пул маблағларини ўзларига қулай шаклда олиш бўйича қонуний ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

### XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоийда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ва вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари Сурхондарё вилояти Денов туманида аҳоли турмуш тарзи билан танишмоқда.**

**• Фарғонада бўлиб ўтган "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остидаги мазкур танловнинг вилоят босқичи ёшлар ўртасида билим ва тафаккур баҳсига айланди. Танловнинг ҳудудий босқичларида сараланган 19 жамоа маҳалла ҳаёти, тарихи, миллий ғоя, маънавият асослари ва бошқа тушунчалар доирасида ўз билим ва кўникмасини намойиш этди.**

#### ЖАҲОНДА

**• Чилида икки ҳафтадан буён давом этаётган мамлакат тарихидаги энг йирик ўрмон ёнғинлари иссиқ ҳарорат ҳамда кучли шамол туфайли тобора авжига чиқиб, тўрт минг квадрат километр майдонни қоплади. Ушбу табиий офат туфайли 11 киши ҳалок бўлди, минглаб одамлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Ёнғинлар натижасида 160 минг гектар ўрмон йўқ бўлган. Ҳозирда ўндан ортиқ давлатнинг махсус техника ва соҳа ходимлари ёнғинни бартараф этишга сафарбар қилинган.**

**• Бразилияда ишсизлик даражаси мамлакат тарихидаги энг юқори кўрсаткич – 12 фоизга етди. Бундай ҳолат 2016 йилнинг сўнгги чорагида қайд этилди. Вазият мураккаблиги боис ҳозирда барча саъй-ҳаракатлар иқтисодиётни жонлантиришга қаратилган. Жумладан, мамлакат марказий банки пул-кредит сиёсатини юмшатишни тезлаштирди. Унинг самараси жорий йилдаёқ кўзга ташланиши кутилмоқда.**

**• Испанияда 2016 йилнинг тўртинчи чорагида ишсизлик даражаси бирмунча пасайиб, 18,63 фоизни ташкил этди. Бу 2009 йилдан буён қайд этилган энг яхши натижадир.**




## ЕНГИЛ САНОАТ: ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

***Енгил саноат соҳасига татбиқ этилаётган лойиҳалар тўқимачилик корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳамда сифатли кийим-кечаклар тайёрлашни янада кўпайтириш имконини бераётир. Дунё Ўзбекистоннинг энг сара енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқда.***

Мамлакатимизда 1991 йилда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмаган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 40 фоизгача ўсди. Бугунги кунда тармоқ корхоналари маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини жаҳондаги 50 дан зиёд мамлакатга экспорт қилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Бразилия, Чили, Хорватия, Нигерия каби давлатларга енгил саноат маҳсулотларининг экспорти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори соҳада янги имкониятлар эшигини очди.

– Мазкур дастур 2020 йилга қадар юртимизда етиштирилган пахта толасини тўлиқ қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини 2,7 баробардан кўпроққа ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорга етказиб беришни назарда тутади, – дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи ўринбосари Санжар Тўхтаев. – Бу енгил саноат тармоғининг янги рақобатбардош қиёфасини яратиш ва жаҳон савдо майдонларига ишончли кириб боришимизни таъминлайди.

Таҳлилларга кўра, ҳозир экспортнинг қарийб 50 фоизини ип-калава ташкил этмоқда. Келгусида унинг ҳажмини босқичма-босқич камайтириш ҳисобига ярим тайёр ва тайёр, юқори қийматли маҳсулотларни экспорт қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар улуши умумий ишлаб чиқаришнинг 47 фоизини ташкил этаётган бўлса, истиқболда 65,5 фоизгача, экспорт таркибидаги улуши 41 фоиздан 70 фоизгача ўсиши таъминланади.

Дастур доирасида 2017–2020 йилларда соҳага 2,2 миллиард доллардан ортиқ маблағ (шунинг деярли ярми хорижий инвестиция) жалб қилинади. Инвестицион лойиҳалар тўрт босқичли тизим асосида пахта хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус тўқимачилик комплекслари ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишга хизмат қилади. Шунингдек, 120 янги корхонани ташкил этиш ва ўндан ортиқ ишлаб чиқариш корхонасини модернизация қилиш режалаштирилган. Демакки, барча ҳудудларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари яратилади.

– Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда иш ўринларига талаб юқори бўлган ҳудудлар танлаб олинган, – дейди С.Тўхтаев. – Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Шеробод туманлари, Сирдарёнинг Гулистон, Сайхунобод, Жиззахнинг Ғаллаорол, Жиззах, Қашқадарёнинг Яккабоғ, Шаҳрисабз, Наманганнинг Учқўрғон, Поп, Самарқанднинг Оқдарё, Ургут, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Чимбой туманлари шулар сирасидандир. Лойиҳаларда аввало ҳудудларда етиштирилаётган пахта толасини ўша жойнинг ўзида тўлиқ қайта ишлаб, юқори қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ҳудуд аҳолисининг реал даромадларини ошириш назарда тутилган.

*(Давоми 2-бетда)*

## АРМИЯДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЮКСАК ШАРАФ

***Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича бўлим ва бошқармаларида фуқароларнинг мамлакатимиз Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирувига тайёргарлик ишлари якунланди. Тиббий комиссиялар ўз билими ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилган минглаб ёш йигитларни саралаб олди. Яқин кунларда улар ўз Ватанига хизмат қилиш учун белгиланган жойларга жўнаб кетади.***

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча вилоятларида миллий армиямизга навбатдаги чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларни уйларига жўнатиш ишларига тайёргарлик олиб борилмоқда.

Чақирув комиссиялари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибига давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик ташкилотлари, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари киритилган. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида ўзининг ижобий жиҳатларини намойиш этган ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имтиёзлар тизими яхши натижа бермоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақируви йилига бир маротаба – февраль-март ойларида амалга оширилади. Бу чақирилувчиларни саралаб олиш жараёнини сифатли ташкил қилиш имконини беради.

– Ҳар йили август ойидан бошлаб чақирилувчиларнинг шахсий йиғма жилдлари, маҳаллалардан тўпланган маълумотномалар, уларнинг оилавий аҳволи, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эгалиги ўрганиб чиқилади, – дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа ишлари бўлим бошлиғи Э.Ҳожиаҳмадов. – Айни кунларда барча чақирилувчилар тиббий комиссия текширувидан ўтди. Шифокорлар чақирилувчиларнинг саломатлик даражаси ошганини таъкидлашмоқда. Бу мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

Йигитларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синови асосида саралаб олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу танловда ёшларнинг мактаб таълими дастуридаги предметларни ўзлаштириш даражаси, уларнинг интеллектуал салоҳияти, мослашувчанлик ва чидамлилик қобилиятлари текширилади. Шунингдек, жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилади. Тест синовлари якунида барча баллар жамланади ва шу асосда чақирилувчининг салоҳияти аниқланади.

– Болалигимдан ҳарбий либос кийиб, Ватанимизга хизмат қилишни орзу қилганман, – дейди чақирилувчи Ш.Ҳайдаров. – Бир ой олдин Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабини тугатдим. Мен бу мактабда муддатли ҳарбий хизматда қўллашим мумкин бўлган радиотелефончилик бўйича зарур билим ва кўникмаларни эгалладим. Ҳарбий хизматни тугатиб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириб, ҳаётимни Ватан ҳимоясига бағишламоқчиман.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи соҳа вакиллари олдига бугуннинг долзарб ва устувор вазифаларини қўйди.***

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилган.

Бу соҳа ходимларининг зиммасига ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва тўла ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек масъулиятили вазифаларни қўйди.

Президентимиз тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: "Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор".

Сергели тумани прокуратураси томонидан 2016 йил давомида маҳаллий ҳокимлик ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳлари ёрдамида туманда фаолияти тўхтаб қолган 67 та (иш ўринлари 315 та) тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қайта тикланган бўлса, шундан 21 таси бевосита туман прокуратурасининг ташаббуси билан амалга оширилган. Ушбу фаолияти тикланган 21 та тадбиркорлик субъектида яратилган иш ўринлари сони 117 тани ташкил қилган.

Шунингдек, туман прокуратураси "Ишонч телефони"га тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатлар асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари қўпол бузилиши ҳолати юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилган.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 12 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ҳолда, қонун талабларига зид равишда қабул қилган қарорларини бекор қилиш юзасидан 12 та протест келтирилиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Ноқонуний қарор қабул қилган 6 нафар мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилган.

Мисол учун, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Сергели тумани бўлими раиси В. Ниязова ва жамиятнинг "Мониторинг" сектори мутахассиси Э. Норходжаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, якка тартибдаги тадбиркор У Бобоқуловга тегишли савдо дўкони эшигини ёпиб ва унинг иш фаолиятини тўхтатишиб, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишнинг белгиланган тартибига зид равишда ноқонуний текширишлар ташкил этган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўғатилган.

Ёки, "TRENDS COLOR" МЧЖ раҳбари Ш. Абдуллаевнинг мурожаатини кўриб чиқиш давомида туман электр тармоғи ходимлари Д. Камалов ва З. Султонхўжаев томонидан 2016 йил 14 апрель куни жамиятга қарашли дўконнинг электр ва телефон тармоқларини бирор-бир тегишли ҳужжатларсиз, асоссиз узиб, электр қутиси ўзбошимчалик билан олиб қўйилгани аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан МЖтК нинг 241¹-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик тўғрсида иш қўзғатилган. Ва жамиятнинг телефон тармоғи ва электр кабеллари қайта уланиб, соз ҳолатга келтирилиши таъминланган.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан Сергели автомобиль бозори ҳудудидаги савдо дўконларида ўтказилган мониторинг натижасида 20 нафар фуқаро тегишли ҳужжатларсиз, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланган. Ушбу ўтказилган мониторинг натижасига кўра, туман прокуратурасининг бевосита ташаббуси ва кўмаги билан ушбу 20 нафар фуқаро ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги "Ягона дарча" марказидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Натижада 30 нафардан ортиқ фуқаролар расмий равишда иш билан таъминланди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Тадбиркорликни ривожлантиришга, унга ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этишга давлат сиёсати даражасида қаралар экан, албатта прокуратура органлари ҳам ўз олдиларига қўйилган вазифани сидқидилдан адо этадилар.

**Акмалжон МИРЗАКАРИМОВ,**
**Сергели тумани прокурори ўринбосари**

# САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

***Миллий матбуот марказида "Адолат" социал-демократик партияси томонидан 2016 йилда амалга оширилган ишлар ва жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар, марказий аппарат масъул ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг янги босқичида сиёсий партияларнинг зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланаётгани тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Партия сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар дастури асосида ўтган йилда партия ташкилотлари томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

2016 йил якунлари мисолида партия дастурий ҳужжатларида белгиланган қатор халқчил ғоялар ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топиб бораётгани намоён бўлди.

Жумладан, партия сайловолди дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этишида ҳар ишда адолат мезонига амал қилиш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, коррупция ва бюрократизмга қарши курашиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди. Мазкур қонунлар лойиҳалари 2016 йилда парламент томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилди, – дейди "Адолат" СДП сиёсий кенгаши марказий аппарати матбуот хизмати раҳбари Илёс Сахатов. – "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур", "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик", "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" лойиҳалари доирасида республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар, акциялар ташкил этилди.

Ўтган йилда "Жамоатчилик назорати – қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида маҳаллалардаги ички йўлларнинг ҳолати юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласига барча ҳудудий партия ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада жойларда "Йўлларни асрайлик" мавзусида 600 га яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Носоз ички йўлларни таъмирлаш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан маҳаллий ҳокимлик ва тегишли идораларнинг мансабдор шахсларига 200 га яқин депутатлик сўровлари чиқарилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди. Бунинг натижасида республика миқёсидаги 150 га яқин маҳаллаларнинг ички йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди, ноқонуний ўрнатилган тўсиқлар бартараф этилиб, пиёдалар йўлакчалари тартибга келтирилди.

Анжуманда шунингдек, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан 2016 йилда етарлича фойдаланилмаган имкониятлар ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам муҳокама қилинди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда жойлардаги барча тузилмалари томонидан 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бажариладиган ишлар режаси борасида ҳам фикр юритилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**



# ЕНГИЛ САНОАТ: ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қулай жиҳати, бу лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар бутунлай янги механизм асосида ажратилади. Яъни, замонавий йигирув, тўқув ва бўяш асбоб-ускуналари сотиб олиш бўйича тўқимачилик лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларида кредит линиялари очилади. Тижорат банклари жалб этаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда банклар ёки уларнинг инвестиция компаниялари лойиҳанинг 100 фоизи миқдорида корхона низом жамғармасида қатнашиши ёки молиялаштириши мумкин. Тижорат банкларига лойиҳаларни амалга ошириш муддатидаги инвестиция даврида ажратилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни капитализация қилиш ҳамда уларда улушли иштироки бўйича чекловларни қўлламаслик ҳуқуқи берилмоқда.

Дастурнинг асосий жиҳатларидан яна бири, хорижий тажрибаларни ўзлаштирган ҳолда тўқимачилик корхоналарини ташкил қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилишнинг янги тармоқ меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишдир. Ушбу меъёрлар қурилиш-монтаж ишлари харажатларининг камайишини ва маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишни таъминлайди. Эндиликда пахта хомашёсини қайта ишлашни рағбатлантириш мақсадида олдин тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Мазкур имтиёзлар қаторига даромад солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ, йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод қилиш, 40 фоиздан ортиқроқ маҳсулотни экспортга жўнатган тўқимачилик корхоналарини мулк солиғидан озод қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхат бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш кабилар киритилган. Ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиш эвазига иқтисод қилинган маблағлар янги қувватларни барпо этиш, зарур хомашё ва материалларни харид қилишга йўналтирилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилга бориб, пахта толасидан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳаллий корхоналарда тўлиқ қайта ишланади. Натижада тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотлари экспортининг кескин қисқаришига ва ташқи бозорларга етказиб берилаётган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг 2,1 баробарга ошишига эришилади. Ўтган йиллар давомида танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини бугунги фаровон ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди. Аҳолининг арзон ва сифатли, замонавий услубдаги миллий кийим-кечакларга бўлган талаби етарлича таъминланмоқда. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини чуқур қайта ишлаш, ҳудудларда халқ истеъмоли моллари ҳамма турини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ички бозорни ўзимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Депутат ва ёшлар" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка жалб қилишнинг муҳим омиллари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***

Тадбир "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, унда шаҳарча ҳудудидаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳамда мазкур фаолиятни бошлаш истагидаги ёшлар иштирок этди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларига ёш авлодни кенг жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришдан иборатдир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеп аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати А. Ташпулатов бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчиликда депутатларимиз томонидан қонун лойиҳаларини ишлашда ёшларнинг тадбиркорлиги, уларнинг бандлиги масаласи долзарблиги, эртанги кун эгалари бўлган ёшларимизга янада кенг имкониятлар яратиш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот бериб ўтди.

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ёшларимизнинг олдида турган муаммоларига ечим топиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ёшларимизнинг ўз бизнесини эркин амалга оширишига шароит яратиш энг долзарб мавзуга айланди. Ўйлаймизки бу каби тадбирлар келажакда ўз натижасини бериб, тадбиркорлик билан шуғулланадиган ёшлар сафи кенгаяди. Тадбир сўнгида тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИНИНГ АСОСЧИСИ

***Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳамиша ўз халқига меҳрибон бўлган буюк давлат арбоби ва оқил раҳбар эди. У мамлакатни ривожлантириш йўлидаги тинимсиз меҳнати билан бутун дунёда катта ҳурмат қозонди. Айни кунларда хорижий давлатларнинг қатор оммавий нашрлари Ислом Каримовнинг хотирасига бағишланган туркум материалларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқда.***

Жумладан, Бельгиянинг нуфузли **"Brussels Express" интернет нашри** Биринчи Президент мустақиллик йилларида ўзбек давлатчилиги ҳамда жамият ривожининг асосини яратганини таъкидлайди. "Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон миллий тикланишининг асосчиси деб аташ мумкин, – дейилади нашр мақоласида. – У янги даврнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик жиҳатдан пухта фикрлайдиган, дунёда ҳамда минтақада кечаётган фавқулодда мураккаб воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англайдиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир ватандошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис этадиган раҳбар эди".

Мақолада, шунингдек, мустақил Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида БМТнинг Низомида, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда меъёрларда белгиланган тамойилларга риоя қилган ҳолда сиёсат олиб боргани қайд этилган.

Ислом Каримов шахсияти ҳақида сўз юритаркан, Испаниянинг кундалик **"The Diplomat in Spain" электрон газетаси** мамлакатимиз Биринчи Президентини бозор иқтисоди ва демократиянинг "ўзбек модели" қурилишини ишлаб чиққан ҳамда амалга оширган атоқли сиёсатчи сифатида таърифлайди. Мақолада испаниялик экспертларнинг мулоҳазалари ҳам келтирилади. Улардан бири – Мадрид Мухторият университети профессори Хесус Фуэнсента Ўзбекистон раҳбари нотинч минтақада жойлашган мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигининг меъмори эканини таъкидлайди.

Хитойда чоп этиладиган **"Шицзе чжиши" журнали** эълон қилган мақолада ХХРнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ли Цзинсянь Ислом Каримов билан учрашувлари ҳақидаги ёрқин хотираларини ўртоқлашган. Дипломат, хусусан, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти унда оқил, зийрак, прагматик, сермулоҳаза ҳамда пухта стратегик қарашлар соҳиби сифатида таассурот қолдирганини айтади. "Президент ҳамиша кенг мулоҳаза юритарди, иккинчи даражали жиҳатларга беҳуда эътибор қаратмасди, – дейди Ли Цзинсянь. – Унинг маърузалари қисқа ва аниқ, зериктирадиган даражадаги узун гаплардан холи, теран, айни пайтда барча учун тушунарли бўларди".

**"Япония – Ўзбекистон" дўстлик уюшмасининг ойлик "Nihon-Uzbekistan" газетаси**да чоп этилган мақолада ҳам Биринчи Президент раҳбарлиги остида мамлакатимиз эришган муваффақиятлар ҳақида сўз юритилган. Мақола муаллифи Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муҳим натижалари ҳақида батафсил маълумот беради. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги муносабатлар ривожида тутган ўрни хусусида тўхталаркан, журналист Ўзбекистон раҳбари ўзаро ишонч ва ҳурмат асосига қурилган дўстона муносабатларни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратганини таъкидлайди.

Ўзбекистонинг Биринчи Президенти ёрқин хотирасига бағишланган яна бир мақола **Жанубий Кореянинг "The Korea Post" журналида** нашр қилинди. "Ислом Каримов ўз халқининг юксак муҳаббатига сазовор бўлган, улкан халқаро нуфузга эришган том маънодаги тарихий шахс, буюк давлат арбоби эди, – дейилади мақолада. – Ўзбекистон халқи мустақиллик даврида эришилган барча муваффақиятни ҳақли равишда Биринчи Президентнинг номи билан боғлайди".

Ўз навбатида, **Беларусь Вазирлар Кенгашининг "Республика" газетаси** ўз ўқувчиларини Ўзбекистон суверенитети ҳамда мустақиллигини мустаҳкамлашда миллатнинг ҳақиқий раҳбари тутган беқиёс ўрин билан таништиради. Нашр мақоласида Ислом Каримовнинг "Конституция – давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусаома, у халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради ҳамда халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир", деган сўзлари келтирилади.

**Озарбайжоннинг "Эхо" ижтимоий-сиёсий газетаси**да эса Ислом Каримовнинг яратувчанлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, мақолада таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш давлат раҳбарининг доимий диққат-эътиборида бўлган меъморий ёдгорликлар ва муқаддас масканлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Шу билан бирга, харобага айланган, Ислом Каримов ташаббуси билан қайта тикланган кўплаб қадимий обидалар дунё тамаддунининг хазинаси экани алоҳида таъкидланган. "Ўзбекистоннинг тарихий мерос ҳамда миллий қадриятларни янада кўпайтириш борасидаги кенг кўламли амалий саъй-ҳаракатлари тажрибаси ва эришган натижалари халқаро ҳамжамият томонидан ўзининг муносиб эътирофини топди", дея ёзилади "Эхо" газетасида эълон қилинган мақолада.

**Бирлашган Араб Амирликларида чоп этиладиган "Aviamost" журнали** ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчисига ўз саҳифаларидан кенг жой ажратган. Унда мамлакатимизда миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлашган миллий мафкурани шакллантириш борасидаги ишлар ҳақида батафсил маълумот берилади. "Бугунги кунда Ўзбекистоннинг бебаҳо моддий ва бадиий мероси, унинг давлатчилик негизлари, маънавий-ахлоқий анъаналари мустақил давлатнинг янги тарихи солномаларини яратишга асос, мамлакатни дунёга танитишга хизмат қилувчи манба бўлди", дейилади мақола хулосасида.

**"Жаҳон" АА**

## 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

***Халқимиз истиқлолимизнинг йигирма олтинчи йилига эзгу ниятлар билан қадам қўйди. Янги йилни тинч-тотув, файзли, ҳавас қилса арзирли кунларимизга, шу тўкин дастурхонимизга шукроналик туйғуси, эртамизнинг янада файзли, азиз фарзандларимиз Ватан корига яроқли бўлишига қатъий ишонч билан, кўнглимиз ойдинлашиб, ниятларимиз тиниқлашиб кутиб олдик.***

Таъкидлаш жоизки, асрлар давомида дунёнинг бағоят гўзал, ери саховатли, ҳавоси тотли бўлиб келган гўшаларида бугун одамлар ўқлар ёмғири, ёнғинлар, аёвсиз қирғинлар, қонли хунрезликлар ҳамласи остида яшамоқда. Бир тишлам нон, бир қултум сув, бир чимдим уйқу, бир сониялик ширин туш каттага ҳам, кичикка ҳам орзу бўлиб қолмоқда. Шундай бир пайтда биз бугунги фаровон турмушимизни янада бойитиш, қадди-бастимизни янада тиклаш, ҳазрати инсон шаънини улуғлаш ҳақида кенг кўламли режалар, истиқболли дастурлар тузмоқдамиз. Уй қурмоқдамиз, йўл очмоқдамиз, сув чиқармоқдамиз, боғроғлар, чаманзорлар яратмоқдамиз.

Турмуш тарзимизни бундан чорак аср аввалги ҳолатга солиштириб бўлмайди. Фарзандлар қадим ва янги қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбия топмоқдалар. Аммо янада яхши, янада мазмунли яшаш, она диёримиз дунёнинг ҳеч бир жойидан қолишмаслиги, инсон сифатида ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз, ўзимиз танлаган йўлдан юришимиз, ўзимиз кўзлаган мақсад сари интилишимиз, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз иштиёқи кун сайин, йил сайин кучайиб бормоқда.

Глобаллашув шароитида дунёда кескин вазият ҳукм суриб турган бир шароитда мамлакатимиздаги бебаҳо неъмат – тинчликни асраб-авайлаш муҳим вазифа. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида, Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ва бошқа бир қатор чиқишларида олдимизда турган вазифаларни бирма-бир белгилаб бердилар. Энг аввало, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирилади. Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир. Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш ҳам устувор вазифалардандир. Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай балоқазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳамиша давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифа эканлиги, жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилиши зарурлиги, бунда ижтимоий ҳамкорлик масаласи долзарб аҳамиятга эгалиги Юртбошимиз томонидан таъкидланди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам белгиланган бу вазифанинг ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллаши даркор. Мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талаблар жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Бу муҳим ишда энг аввало, ёши улуғ, улкан ҳаётий тажрибага эга нуроний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмаги зарур.

Президентимиз таъкидлаганидек, ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсати бундан буён ҳам фаол давом эттирилади.

### ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй олдидаги масъулият юки ортади. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ суҳбатлашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Навқирон авлод манфаатларини таъминлашда шубҳасиз, яқинда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти беқиёс. Бундай шароитда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши даркор.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади. Шу маънода, ёшлар учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш кўзда тутилмоқда. Ёшларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этиши белгилаб берилди.

Бу ўз навбатида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун Президентимиз тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозимлигини қайд этди. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришиш вазифаси мақсад қилинди.

Бу мақсадларга эришишда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш кераклиги уқтирилмоқда. Негаки, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

2017 йилдан бошлаб аҳолини, аввалambor, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этилади.

Инсон саломатлиги – бебаҳо бойлик. Соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўлинмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши кераклиги хусусидаги фикрлар ҳам бизга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ислоҳотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўрилаётгани фуқароларимиз дилидаги иш бўлди. Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилаётгани ҳам жамиятимизда ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Инсон, токи бу ёруғ оламга бир бор келар экан, ўзлигини англашга ва намоён этишга, баланд чўққиларга интилишга, ўзидан ёруғ хотира, эзгу амаллар қолдиришга ҳақли. Бунинг учун унга имкон берилса, сўзи эшитилса, иззат-икроми жойида бўлса бас. Одамларни тинглаш дунё миқёсида тақчиллашиб бораётган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 2017 йилга "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб ном берилиши — бу шунчаки йилларни номлаш анъанасининг давомигина эмас, балки жамиятда кечаётган жараёнларни, маънавий-руҳий ҳолатни чуқур англаш, идрок этиш, турли иллатларнинг олдини олиш, улуғ келажак сари қўяётган қадамларимизга янгича руҳ, янгича маъно-мазмун бағишлаш, шу маънода Биринчи Президентимиз белгилаб берган миллий тараққиёт йўлини изчил давом эттириш демакдир.

Биз халқ билан мулоқот, инсонни янада эъзозлаш, улуғлаш йилига қадам қўйдик. Ёдимизга улуғ шоиримиз Чўлпоннинг "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир" деган ўтли сатрлари тушади. Улуғ адибимиз халққа яқин бўлиш, унинг қалбига, кўнглига қулоқ тутиш беқиёс куч-қувват, илҳом манбаи эканини бундан анча йиллар аввал таъкидлаб ўтган эди. Фақат шу эмас, шарқ алломаларининг кўпдан-кўп асарларида элулус фикрига қулоқ тутсак, раият билан бамаслаҳат иш тутиш, уларни тинглаш юртда адолат мезонларини ўрнатишнинг муҳим калити эканлиги таъкидлаб ўтилган. Давлатимизнинг янги раҳбари ташаббуси билан туман ва шаҳарларда ўз фаолиятини бошлаган халқ қабулхоналаридаги мулоқотлар чоғи эндиликда чекка қишлоқларда яшайдиган оддий одамлар ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида юз бераётган жараёнлардан яхши хабардор бўлиб, турли даражадаги раҳбарларнинг иш фаолияти, ишчанлик, ташкилотчилик салоҳияти, одоб-ахлоқи, ўз сўзида собитлигини кўриб-билиб турганлари маълум бўлади. Олий Мажлис палаталарининг раҳбарлари, депутатлар, Сенат аъзолари, сиёсий партияларнинг етакчилари, вазирлар иштирокида ўтадиган ҳисоботлар чоғи кўп муаммолар ўз ўрнида, сансалорликсиз ҳал бўлиши, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳар бир ишда самарадорлик ва таъсирчанликка эришиш, ижтимоий адолат принципларига тўла риоя қилиш, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан боғлиқ ғоят қимматли таклифлар ўртага ташланади. Зеро, янги йилимизнинг асосий вазифаларидан бири давлатимизнинг янги раҳбари ўртага ташлаган "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", "Халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта, бой ва қудратли бўлади", деган ғоят муҳим даъватларида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун раҳбарлар, халқ билан мулоқот қилишлари, уларнинг дарду ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билишлари керак, деган янги вазифада ўз аксини топган.

Шубҳасиз, юқорида баён этилган олижаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этади. Жорий йил сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Табаррук отахон-онахонлар "Илоҳим қадаминг кутлуғ келсин" деган иборани тез-тез такрорлаб, яхши ниятда қўлларини дуога очадилар. Қадамнинг кутлуғ келиши инсоннинг ўзига, жумладан, унинг нияти ва амалларига боғлиқ. Дуо, ният ва эзгу амал билан тақдирни ўзгартириш мумкин, яратган Эгамдан оиласига тинчлик, ризқ-насиба, эл-юртига рўшноликлар сўраётган одамнинг қўли қуруқ қолмайди, деган гап ҳам бор. Шукроналик, сабр-тоқат инсонни комиллик боғларига элтади, ҳаракатларига барака беради.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, социология фанлари номзоди**

*Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

## СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 25 январдаги 5/9-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Сергели туманида 2017 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Л.Закирлаева):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Ганиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Сергели тумани тармоқ администратори (Р.Галеев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Шамуратов зиммасига юклансин.

**Сергели тумани ҳокими**
**Ф.Максудходжаев**

*2017 йил 31 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

## АХБОРОТ ОЛИШ ВА ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛИ

***Бугун мамлакатимизда қанча газета ва журналлар, нашриётлар, матбаа соҳалари борлигини биласизми? Уларнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари қандай?***

Миллий матбуот марказида журналистлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ана шулар хусусида сўз борди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари К. Мансуровинг маълумот беришича, республикамизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олиниб, давлат реестрига киритилган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1514 тани ташкил этади. Уларнинг 691 таси газета, 309 таси журнал, 15 таси ахборотнома- бюллетень, 4 та ахборот агентлиги, 65 та телевидение, 35 та радио, 395 таси веб-сайтлардир.

Дарҳақиқат, йилдан йилга оммавий ахборот воситалари сони ортмоқда. Биргина, 2016 йилда Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказиш бўйича 134 та ариза кўриб чиқилиб, улар амалдаги қонунчилик талабларига мослиги сабабли рўйхатдан ўтказилиб, тегишли гувоҳномалар берилди.

Мустақиллик йиллариданоширликнинг ҳуқуқий асоси яратилди, қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди, соҳанинг техник базаси мустаҳкамланди ва модернизация қилинди.

Соҳадаги ютуқ ва ижобий ишларни намоён этиш мақсадида турли танловлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, "Йилнинг энг яхши китоби" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланди.

Анжуманда ҳукуматимиз томонидан матбаа соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантириш учун кенг мкониятлар яратмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида Франциянинг Версаль академияси ҳузуридаги Педагогика ва таълим олий мактаби делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.***



## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тадбирда мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар замон талабларига жавоб берадиган, мустақил фикрлайдиган, чет тилларни яхши биладиган ёш авлодни тарбиялашга қаратилгани таъкидланди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим асос бўлмоқда.

Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги фаол ҳамкорларидан биридир. Илм-фан ва техника, маданият бўйича ҳамкорлик битимлари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Франция макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида бошқарув кадрлари тайёрлаш бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда. Юртимиз олимлари франциялик ҳамкасблари билан қуёш энергияси бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Франциянинг Версаль академияси ҳузуридаги Педагогика ва таълим олий мактаби, Тошкент давлат юридик институти ва Тулуза-1 университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланган.

Франциялик мутахассислар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда француз тилида видеоматериаллар яратиш лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу хорижий тилларни ўқитишда янги услубларни қўллашга хизмат қилади. Келажакда "Erasmus+" халқаро кредит сафарбарлиги дастури бўйича ўқитувчи ва талабалар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

– Ўзбекистонда ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор самарасида улар чет тиллар, хусусан, француз тилини яхши ўрганмоқда, – дейди Версаль академияси мутахассиси Паскаль Буассон. – Мазкур учрашув ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиш, янги ўқитиш услублари билан танишиш ҳамда француз тилини ўқитиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлди.

Томонлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда видеодарслар ўтишни ўз ичига олган "Micro-teaching" тақдимоти, ўқитишда қўлланилаётган услублар таҳлили бўйича фикр алмашди.

Учрашувда мамлакатимизда француз тилини ўқитиш тизимини янада ривожлантириш, чет тилларни ўқитиш бўйича инновацион услубларни кенг оммалаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Педагог кадрлар ва чет тиллар таржимонлари малакасини ошириш курслари тингловчилари учун ҳамкорликда модул ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Юнусобод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/6-16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 56,52 кв.м., яшаш майдони 35,76 кв.м., 2 та яшаш хонаси, даҳлиз, тахмон, ошхона, ҳожатхона ва ювиниш хонасидан иборат бўлган 52-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 190 905 908 сўм.**

2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/6-16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 64,94 кв.м., яшаш майдони 41,38 кв.м., 3 та яшаш хонаси, йўлак, тахмон, ҳожатхона, ошхона, ювиниш хонаси, айвондан иборат бўлган 68-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 226 720 653 сўм.**

3. ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 14.11.2016 йилдаги 1-489/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси ("Минор" қабристони) йўл бўйида жойлашган умумий майдони 8 кв.м. (ҳужжат бўйича 6 кв.м., ҳужжатсиз майдони 2,0 кв.м.) бўлган савдо шохобчаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 19 260 455 сўм.**

**Аукцион савдолари 2017 йил 13 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзида топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 10 март куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

